

«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»

Фарғона вилояти

Фарғона шаҳар хокимлиги
тадбиркорлик субъектларини
давлат рўйхатидан ўтказиш
инспекциясида

«15 сентябрь 2014 йил

121 -ракам билан

М.У.

«Farg'onadonmahsulotlari» ochiq

aksiyadorlik jamiyati

акциядорларининг

2014 йил 30 июл кунги
акциядорлар умумий йиғилиши
қарори билан

"ТАСДИКЛАНГАН"



«FARG'ONADONMAHSULOTLARI»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ

Фарғона шаҳри – 2014 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя килиш тұғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чықылган.

1.2. «Farg'onadonmahsulotlari» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида – Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни құллаб-қувватлаш құмитаси Фарғона вилоят бошқармасининг 1994 йил 28 декабрдаги 784-к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган.

1.3. Жамиятнинг тұлік фирмамен номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – «Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамияти
- лотин алифбосида – «Farg'onadonmahsulotlari» aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида:

- акционерное общество «Фарғонадонмахсулотлари»

Жамиятнинг қисқартылған фирмамен номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – «Фарғонадонмахсулотлари» АЖ
- лотин алифбосида – «Farg'onadonmahsulotlari» AJ

Рус тилида:

- АО «Фарғонадонмахсулотлари»

1.4. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.5. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.6. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тұламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тұланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.7. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.8. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фонdlар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.9. Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган хар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишига ҳақлиdir.

1.10. Жамият ўрнатилған тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.11. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

1.12. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий Жамият фаолиятини амалга оширайдиган маъмурий идораларини ташкил этишига ҳақли.

1.13. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қушиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.14. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар

(иттифоклар) ва ўзга бирлашмаларда катнашиши мумкин.

1.15. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кучаси 93-уй. Индекс: 150117.

1.16. Жамиятнинг электрон почта манзили: Usupaliev59@mail.ru

1.17. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.Fardon.uz.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишdir.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуидаги турларини амалга оширади:

- Ун маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш;
- Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларида этиштирилган дон маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- Галла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;
- Ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;
- Омухта ем ишлаб чиқариш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайta ишлаш, саклаш, кадоклаш ва сотиш;
- Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;
- Халқ хўжалиги ва аҳолини дон, ун, ерма, омухта ем, нон-булқа, мақарон ва кандитор маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва таъминлаш;
- Корхонанинг ишлаб чиқариш технологиясини жадаллаштириш, кенгайтириш, реконструкция килиш ва техник қайта куроллантириш буйича ишларни ташкил килиш;
- Дон, навли ва дуккакли дон уругларини, бошка қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишни, уларни давлат эҳтиёжлари ва бошка исътемолчиларнинг буюртмалари учун етказиб беришни таъминлаш;
- Узок муддатли ва киска муддатли маркетинг дастурини ишлаб чикиш, буюртмалар «папкасини» шакллантириш ва уларни жойлаштириш, маҳсулотларни реклама килиш;
- Ишлаб чиқаришни барча чоралар билан интенсивлаштириш ва моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чикиш;
- Корхона ходимлари учун хавфсиз ва нормал меҳнат шароитини яратиш, меҳнат, ижтимоий-маданий имтиёзлар бериш;
- Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, кичик ва қўшма корхоналар тармоқларини, тижорат марказларини, майда улгуржи воситачи ва чакана савдо дўконлари, савдо уйлари, улгуржи ярмаркалар очиш, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш;
- Ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга доир ишлаб чиқариш ҳамда тижорат воситачилик хизматларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчилардан, уларнинг қайси идорага бўйсимиши ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, моддий ресурслардан ва товарларни эркин сотиб олишни ҳамда уларни харидорларга сотишни ташкил этиш;
- Хом-ашё, тайёр маҳсулотлар ва товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо воситачилари, шунингдек хорижий фирмалар билан контракт ва тўғридан тўғри шартномалар тузиш йули билан товар ресурсларидан харид қилиш;
- Амалдаги конунчиликка асосланган холда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- Ахолига ҳамда халқ хўжалигининг қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошка соҳалардаги корхоналарга, фирмаларга, юридик ва жисмоний шахсларга транспорт хизмати курсатиш (майший-коммунал, ижара, автотаъмиrlаш, транспорт, жумладан

- халкарюк ташиш, туристик хизматлар);
- Курилиш-монтаж, конструкторлик-лойиха, тузатиш ва ишга тушириш ишларини амалга ошириш;
 - Ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини ва вилоят худудидан ташқари харид қилинган маҳсулотларни миллий валюта-сўмга ва эркин айирбошланадиган валютага сотиш учун турли савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналарини очиш;
 - Автомобил транспорти орқали юк ва ўловчиларни ташиш;
 - Жамият ходимлари ва уларнинг оиласларини соғломлаштириш учун дам олиш масканларини ташкил этиш;
 - Юридик ва жисмоний шахсларга пуллик хизмат қўрсатиш;
 - Ташки иқтисодий алоқалар билан шуғуланиш;
 - Перспектив техник ва ижтимоий кашфиётлар, ёш олимлар, кашфиётчилар ва рационализаторлик таклифларини тадбиқ этиш ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш чораларини кўриш;
 - Дўконларни, филиалларни ва бўлимларни ташкил этиш;
 - Ўзининг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш, бошқа хўжалик жамиятларини таъсис этиш;
 - Қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, фючерс, опцион, депозит сертификатлар, облигациялар) чиқариш ва сотиш ҳамда бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш ва сотиш;
 - Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва бажариладиган хизматларни оммавий матбуот, радио ҳамда телевидение ёрдамида реклама қилиб бориш;
 - Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар агентлиги ва бошқа маҳсус рухсатнома (квота) берадиган давлат ташкилотлари қоидаларига амал қилган ҳолда: чет эл, МДҲ ва республика худудидаги корхона, ташкилот ва фирмалар билан ўзаро иқтисодий хамкорлик қилиш, воситачилик фаолиятини юритиш;
 - Инвесторларнинг молиявий маблагларини шахсий қимматли қоғозлар тарзида жойлаштиришга жалб этиш (акциялар, облигациялар, векселлар ва Узбекистон Республикаси қонунлари билан таъкилланмаган бошқа қимматли қоғозлар);
 - Сугурта фаолияти ва нафака билан таъминлашни амалга ошириш;
 - Ҳар қандай хўжалик фаолиятида ва ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ воситачилик хизматларини қўрсатиш;
 - Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
 - Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғуланиш;

2.3. Маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 635 897 700 (олти юз уттиз беш миллион саккиз юз туксон етти минг етти юз) сўмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати 300 (уч юз) сўм бўлган 2 115 983 (икки миллион бир юз ун беш минг туккиз юз саксон уч) дона оддий ва 3 676 (уч минг олти юз етмиш олти) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

a) Жамиятнинг Устав фондини қўпайтириш

3.3. Жамиятнинг Устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига күшимча равища чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 300 (уч юз) сўм бўлган 1 000 000 (бир миллион) дона оддий, хужжатсиз 300 000 000 (уч юз миллион) сумлик акциялардан иборат.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

3.6. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.8. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг жамият уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

3.9. Устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиши ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

3.10. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йигилиши устав фондни камайтириш сабабларини курсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар хисобланади.

4.2. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендер олиш, акциядорларнинг умумий йигилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқукини беради.

4.3. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига акциялар номинал қийматининг 20 фоизига тенг миқдорда дивиденд олиш ҳуқукини беради.

4.4. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тутатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.5. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорида чиқарилаётган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули (оммавий ёки хусусий йўсинда), муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.2. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартибини, яъни акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳукуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорларни (биржа ёки биржадан ташқари, ташкиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган) белгилайди.

5.3. Жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули (оммавий ёки хусусий йўсинда) белгиланади.

5.4. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.5. Жамиятнинг акцияларига ҳак тўлаш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошка воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳукуклар (шу жумладан ашёвий ҳукуклар) воситасида амалга оширилади.

5.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда уларни имтиёзли олиш ҳукукига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳукукига эга.

Бунда акцияларни имтиёзли олиш ҳукукини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

5.7. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳукукини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йигилишининг қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтда эътиборан кўпич билан бир йил давомида амал қиласи.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар уртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендерни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

6.5. Дивиденд акциядорлар уртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

6.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичдида қабул қилиниши мумкин.

6.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендер тўлаш, дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик холосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

6.8. Дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендер тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендерни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендерни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Акциядорларга дивидендерни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳукукига эга.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият соф фойда хисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чикариш, имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.4. Жамият устав фондининг 15 фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.5. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.4-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

7.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

7.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

VIII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi ва Ижроия органи (Бошқарув).

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш);

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- кимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган кимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқукини кўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- конунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият Кузатув кенгashi Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўtkaziladigан сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўtkaziliishi ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- акцияларни жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаларини эшитиш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- кимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли хукуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори микдорларини белгилаш;
- конунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамият Кузатув кенгashi Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

- 10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:
- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан бодлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- кимматли коғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг Башқаруви аъзоларини (Башқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), Башқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тұланадиган ҳақ ва компенсациялар микдорларини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор кийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мүлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгashi мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктиirmай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгashi зиммасига юқлатылған вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгashi ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлық текширувина үтказиши тұғрисида, аудиторлық ташкилотини ва унинг хизматларига тұланадиган ҳақнинг эң күп микдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тұланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тұлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шұйба ва тобе хұжалик жамиятларини ташкил этиш;
- конунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиши тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тијорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларida белгиланган тартибда тузиши.

10.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилған масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига үтказилиши мумкин эмас.

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йиллик муддатта сайланадилар. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг сони 9 (түккіз) кишидан иборат.

10.5. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланishi лозим болған шахслар сонига күпайтирилади ва акциядер шу тариқа олинган овозларни битта номздодга тұлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номздодлар үртасида тақсимлашға ҳақлидир. Эң күп овоз түплаган номздодлар Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланған деб ҳисобланади.

10.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгashi аъзолари томонидан уларнинг үzlари орасидан Жамият Кузатув кенгashi аъзолари умумий сонига нисбатан күпчилік овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгashi үз раисини жами аъзоларининг күпчилік овози билан қайта сайлашға ҳақлидир.

10.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгashi мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.8. Жамият Кузатув кенгashi раиси йүк болған ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгashi аъзоларидан бири амалга опиради.

10.9. Жамият Кузатув кенгashi мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади. Зарурият күра Жамият Кузатув кенгашининг навбатда ташқари мажлислари ҳам үтказилиши мумкин.

10.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлғанларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади. Жамият Кузатув кенгashi мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошка аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари тенг бўлган холда, Жамият Кузатув кенгashi Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви аъзоларининг сон таркиби 7 (етти) кишидан иборат.

11.2. Жамият Бошқаруви жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгashi ҳисбот беради.

11.4. Жамиятнинг Бошқарув раиси Кузатув кенгashi томонидан вақтинча тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари (бошқарув раиси) билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгashi раиси имзолайди.

11.5. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.7. Жамият Бошқаруви мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ти Низом асосида иш олиб боради.

11.8. Жамият Бошқарув раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгashi томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;

- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлади;

- штатларни тасдиқлади, Жамият ходимларини ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллади, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлади;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлади;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишларини таъминлаган холда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласди;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгashi қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошка молиявий

хисоботлар тегишили органларга ўз вактида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тұғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- амалдаги конун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

11.9. Жамият Бошқарув раисининг ҳукуқлари:

- Штатларни белгилайди, Жамият ходимларини ишга кабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор килади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини күллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлайди;

- Жамиятнинг таркибий булинмалар тұғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йурикномаларини тасдиклайди;

- Жамият номидан амалдаги конунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий булган буйрук ва фармойишлар чикаради ва курсатмалар беради;

11.10. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- Жамиятнинг молия-хұжалик фаолияти тұғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгашы, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кура тақдим этади;

- давлат статистика хисоботи тегишили органларга тулик ва уз вактида тақдим этилишини таъминлайди;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни саклаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса.

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сакланишини таъминлайди;

- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва кобилятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини куради;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя килинишини ва улар меҳнатини муҳофаза килишини таъминлайди;

- ўз ваколатига тегишили ишларнинг холати тұғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланған муддатда тақдим этади;

- Жамият акциядорларининг Умумий йигилишида катнашиш, дивидендлар хисобланиши ва туланиши бүйіча акциядорларнинг барча ҳукукларига риоя қилади;

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчиликка ва бошқа конун ости ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

11.11. Жамият Бошқарув раиси ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини күзлаб иш тутиши лозим.

11.12. Жамият Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувоғиқ жамият олдида жавобгардир.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

12.1. Жамиятнинг молия-хұжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йигилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатта сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси З кишидан иборат.

12.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари :

- Жамиятнинг молия-хұжалик фаолиятига таалукли хисоботларини талаб қилиш.

- Жамиятда тузилаётган йирик битимлар тұғрисидаги маълумотни ўз вактида олиш.

- Амалдаги қонунчиликда белгиланған тартиб бүйіча ва “Жамият тафтиш комиссияси тұғрисида”ги Низомда ички низомда белгиланған ваколатларга.

12.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тұғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилади.

12.4. Жамиятнинг молия-хұжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йигилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг

(акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

12.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидағи мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

12.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чакирилишини талаб қилишга ҳакли.

12.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркиби (тафтишликлар) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

XIII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

13.1. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи микдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдордир.

13.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориши орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат киласи ҳамда баҳолайди.

XIV ТАШКИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

14.1. Аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиккан холда танлов асосида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий хисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳакида нотугри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик окибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар булади.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Устав бўйича келиб чикадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

15.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

15.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вактдан бошлаб қучга киради.

Жамият бошқарув раси



12

И. Усупалиев.

2014 йил 17 октябр куни мен, Фарфона шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Балтабаева Дилярам Мухтаровна «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасига асосан, хужжатни ушбу нусхаси аслига тўғри эканлигини шаходатлайман.

Шаходатланаётган нусхада ўчириб тўғриланган, қўшимча ёзилган, ўчирилган сўзлар, изоҳ берилмаган тузатишлар ва бошқа холлар йўқ.

Расмий рўйхат китобида №9984 рақам билан қайд килинди.

40 сўм давлат божи ундирилди.

Нотариус:



Д.М.Балтабаева



ЖШИИ МУХТАРОВА, РАКАМЛАДИ
Нотариус: Д.М.Балтабаева
Д.М.Балтабаева



Фаргона шаҳар Хокимлиги
хузуридаги тадбиркорлик
субъектларини Давлат хизматлари
курсатиш ягона дарча маркази
томонидан 2016 йил 17 август
куни 421-сонли реестри билан


«Кайта рўйхатга олинган»

FARG'ONA SHAHAR HOKIMLIGI HUZURIDAGI TADBIRKORLIK SUB'EKTLARI DAVLAT XIZMATLARI KURSATISH TASHKARI UMMAMAN YOG'ONMA MARKAZI

“YAGONA DARCHA MAR” QAYTA RO'YXATGA OLIB

“Farg'onadonmahsulotlari” aksiyadorlik jamiyatining
Уставига киритилган узгартиришлар матни

“Farg'onadonmahsulotlari”
aksiyadorlik jamiyatni taъsischisining
2016 йил 17 август кунидаги навбатдан
ташкари умумий йигилиш
қарори билан
«Тасдикланган»



Эски тахрир	Янги тахрир
III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ	III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ
а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш	а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш
<p>3.3. Жамиятнинг Устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p> <p>3.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.</p>	<p>3.3. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.</p> <p>3.4. Кўшимча акциялар факат Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.</p>
IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ	IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
<p>9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.</p> <p>Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.</p>	<p>9.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ушбу уставда белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроя органи (бундан буён матнда директор деб юритилади), коллегиал ижроя органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг <u>ўн иккинчи</u> ва <u>ўн учинчи</u> <u>хатбошиларига</u> мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроя органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошка хужжатлари кўриб чиқилади.</p>
9.3. Акциядорлар умумий йигилишининг	9.3. Акциядорлар умумий

<p>ваколат доирасига қуидагилар киради:</p> <p>...</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамиятнинг йиллик ҳисботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш; <p>...</p> <ul style="list-style-type: none"> - акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган кимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини кўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш; 	<p>йиғилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:</p> <p>...</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамиятнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш; <p>...</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
<p>X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ</p> <p>10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; <p>...</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; 	<p>X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ</p> <p>10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшишиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; <p>...</p> <ul style="list-style-type: none"> - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
<p>XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ</p>	<p>11.13. Жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амадга оширилади.</p>

“Farg’onadonmahsulotlari”
aksiyadorlik jamiyatি бошқарув раиси:



Усупалиев Ибрагим Одилович